

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА ҲИСОБ
ОПЕРАЦИЯЛАРИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим
соҳасидаги 5А340603 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”
магистратура мутахассислиги учун**

Ташкент – 2003

Тузувчилар: и.ф.д., проф. Абдуллаева Ш.З.
доц. Арзуманян С.Ю.
Такризчилар: к.ўқ. Ортиқов У.
доц. Тоймухамедов И.

"Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари" фани валюта тизимининг асосий элементларини назарий ва амалий жиҳатдан ўргатади. Жумладан, тижорат банкларининг валюта операцияларини ўтказиш тартибига асосий урғу берилган, макроиқтисодий барқарорлик ва валюта курсида ўзаро алоқадорлик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати, экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш ва бошқалар.

В предмете "Международные валютные и расчётные операции" изучаются теоритические и практические аспекты важнейших элементов валютной системы. В частности, основной акцент сделан на порядок осуществления валютных операций коммерческих банков, взаимосвязь валютного курса и макроэкономической стабильности, валютную политику Центрального банка Республики Узбекистан, а также финансирование экспортно-импортных операций.

In the course "International currency and banking operations" you can learn theory and practice of international economics. With them you will know the role of credit relations to integration of world economy.

This course has 3 parts : currency system and accounting operations; balans of payments and its accounting; international credits and payments.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

"Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари" фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 август 2001 йилдаги 343-сонли қарорига асосан тасдиқланган давлат таълим стандартига биноан "Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари" фани ўқитилади.

Ҳар қандай иқтисодиёт ресурсларнинг чекланганлиги, ҳамда эҳтиёжларнинг чексизлиги билан белгиланади. Бунда, ушбу ресурслардан энг самарали фойдаланадиган ва эҳтиёжларни максимал даражада қондирадиган иқтисодиёт - энг самарали иқтисодиёт бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолат албатта, мамлакатнинг ўз иқтисодий, сиёсий, тарихий ўтмишидан келиб чиққан ҳолда, маълум соҳаларда ихтисослашганлигини келтириб чиқаради ва ўзининг маълум бир эҳтиёжларини бошқа бир мамлакат ишлаб чиқарган моддий неъматлар ҳисобига қондиришни тақозо этади. Ушбу ҳолат халқаро товар ва хизматлар, валюта айрибошлаш жараёнларини, капиталлар ва кредитлар ҳаракатини ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларнинг халқаро даражада олиб борилишини шакллантирилади. Ушбу муносабатларни ўрганмасдан туриб, ҳар қандай мамлакат жаҳон

иқтисодий ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон иқтисодий муносабатларида иштирок этиши ва ўзининг мустақил иқтисодий сиёсатини юргизиши деярли мумкин эмас.

"Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари" фани бўйича магистрантларнинг билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Магистрант "Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари" фани бўйича қуйидагиларни билиши зарур:

- ҳозирги замон иқтисодиётида валюта операцияларининг тутган ўрни ва аҳамияти;
- ҳозирги замон тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган валюта операциялари ва унинг банкнинг фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти;
- ҳозирги замон Марказий банк томонидан амалга ошириладиган валюта операциялари ва унинг Марказий банкнинг амалга оширадиган сиёсатида тутган ўрни ва аҳамияти;
- ҳозирги замон тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларининг банкнинг молиявий аҳволига таъсири;
- валюта хавф-хатарлари ва уларни бошқариш усуллари;
- валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар;
- халқаро ҳисоб-китоблар ва уларнинг асосий шакллари;
- халқаро ҳисоб-китобларнинг ҳозирги замонда ривожланиш истиқболлари;
- халқаро ҳисоб-китоблар операцияларининг замонавий тижорат банки операцияларида тутган ўрни ва унинг аҳамияти;
- ва бошқа ушбу фанга алоқадор бўлган масалаларни мустақил ўрганиш.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

"Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари" курси ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари, "Халқаро валюта-кредит муносабатлари", "Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими" каби ва бошқа махсус фанлар билан бевосита алоқадорликда ўрганилади.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

"Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари" курсини ўқитишни илғор педагогик технологиянинг таркибий қисмлари бўлмиш:

- ўқув мақсадлари ва вазифалари каталоги ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест)топшириқларига кўчириш;
- ўқувмақсадларига эришиш;
- режалаштирилган мақсадларни бажарилишини баҳолаш каби нуқтаи назардан ташкил этиш тавсия этилади.

Фанни ўқитишнинг семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари" курси "Кредит", "ХВКМ" мутахассисликларида ўқув йилининг 2-семестрида, "Халқаро молия" мутахассислигида 1-семестрда ўқитилади. Бунда валюта операциялари ва уларнинг турлари, тижорат ва марказий банкнинг валюта операциялари, валюта хавф-хатарлари ва уларни бошқариш усуллари, валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар, халқаро ҳисоб-китоблар ва уларнинг асосий шакллари чуқурроқ ўрганилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади. Шунингдек талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва

баҳолашдагина эмас, балки уларни шаклланишида қўлланиладиган инвариант тестлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш лозим.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажм

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида "Кредит" мутахассислиги учун мазкур курсга 152 соат ҳажмда вақт ажратилган. Уларнинг 76 соати маъруза, 76 соати амалий машғулотлар ва 40 соати мустақил таълимдир.

2. ФАН ДАСТУРИ

Фаннинг мазмуни

Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Фаннинг предмети. Унинг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги. Фаннинг ўрганиш услублари ва аҳамияти.

Валюта операциялари ва уларни ўтказиш усуллари

Халқаро "Валюта операциялари"нинг концептуал усуллари. *"Валюта таснифи"*. "Муддатли" операциялар. Мукофот ва чегирмалар. Уларни ҳисоблаш тартиби.

Марказий банкнинг валюта операциялари. Валюта операцияларини амалга оширишда корреспондент ҳисоб рақамларини аҳамияти ва уларни очиш тартиби. Валюта ҳисоб рақамларини очиш тартиби ва улардан фойдаланиш режими. Валюта операциялари ва валютавий чеклашлар. Валютавий чеклашлар, унинг моҳияти, турлари, сабаблари ва оқибатлари. Валютавий арбитраж операциялари. Валютавий инкирозларнинг валюта операцияларига таъсири. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларни ўтказишдаги муаммолар ва уни бартараф қилиш йўллари.

Муддатли валюта операциялари ва уларнинг турлари

"Муддатли валюта операциялари" тушунчасининг мазмуни. "Муддатли валюта операциялари" инг асосий турлари, уларнинг юзага келиши сабаблари, мақсади. "Форвард", "Своп" операциялари ва "Опцион" билан операциялар. Валюта ва фоизлар билан "Своп" операциялари. Уларни ўтказишдаги жаҳон амалиёти.

Тижорат банкларининг "Муддатли валюта операциялари"ни амалга ошириш зарурати. Марказий банкнинг "Голд Своп" ва "Своп" операциялари. Ўзбекистонда "Муддатли валюта операциялари"ни амалга ошириш истиқболлари. Муддатли валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш.

Тижорат банкларининг валюта операциялари ва уларнинг банкбалансига таъсири

Тижорат банкларининг валюта операциялари:

- экспорт ва импортни кредитлаш билан боғлиқ валюта операциялари. Жаҳон амалиёти ва Тошқи Иқтисодий Фаолият банки амалиёти;
- халқаро форфейтинг ва факторинг операциялари, уларни ўтказиш билан боғлиқ рисклар ва уларни бажарилиши;
- валюта қийматликлари билан амалга оширадиган операциялар.

Тижорат банкларининг валюта операцияларига Марказий банк томонидан ўрнатилган нормативлар ва чекловлар: валюта позициялари. Тижорат банкларининг валюта операцияларининг банк балансига таъсири. Ўзбекистонда тижорат банклари валюта операцияларини ривожлантириш истиқболлари.

Валюта rischi ва уларни бошқариш

Валюта rischi тушунчаси мазмуни. Валюта riskларининг келиб чиқиш сабаблари, унинг асосий турлари: иқтисодий фаолият натижасида, битим тузишда ва ҳисоб қилишда юзага келган riskлар ва уларни аниқлаш йўллари.

Валюта riskларини суғурталаш усуллари. Валютавий келишувлар. Валюта riskлари даражасини камайтириш билан боғлиқ валюта операциялар. "Хеджирлаш" ва суғурталаш. *Тижорат банкларининг валюта операцияларини амалга оширганда валюта riskларини ҳисобга олиш, уни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари.*

Валюта операцияларида валюта курсининг ўрни

Валюта операцияларида валюта курсининг ўрни. Эркин сузиб юривчи курслар. Қатъий белгиланган курслар: олтин стандартлар. Бошқариладиган курслар. Қатъий белгиланган курслар ва мосланувчан курсларни таққослаш. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар. Валюта курси ва уни катировкалаш масалалари. Халқаро савдодаги ўзгаришлар ва валюта курси. Валютанинг харид қобилияти паритети. Валюта тизимининг ривожланиш босқичларида валюта курси. Валюта курсига доир назариялар ва XX асрнинг йирик иқтисодчиларининг қарашлари. Фоизлардаги фарқларнинг валюта курсига таъсири. Ҳукуматнинг валюта курсига аралашуви ва валюта курси. Сиёсий омилларнинг валюта курсига таъсири. Валюта курси ва макроиқтисодий барқарорлик. *Валюта курси ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари. Валютавий чеклашларнинг валюта курсига таъсири.* Марказий банк сиёсатининг валюта курсига таъсири. Валюта курси билан тўлов балансининг аҳволи ўртасидаги икки ёқлама алоқадорлик.

Спот ва форвард валюта курслари ва уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар.

Халқаро мунсабатларда ҳисоб-китоблар ва уларни ташкил қилиш муаммолари

Халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг умумжаҳон тартиби. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари ва унинг тавсифи. Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловлар. Ҳужжатлаштириладиган тўловлар. СВИФТ тизими орқали халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш. Халқаро ҳисоб-китобларда корреспондентмуносабатларнинг аҳамияти. Халқаро ҳисоб-китобларда қўлланадиган молиявий-транспорт ҳужжатлар. Валюта чекловларининг халқаро ҳисоб-китобларга таъсири. *Ўзбекистонда халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш асослари ва уни ривожлантириш истиқболлари.*

Халқаро ҳисоб-китобларда банк ўтказмаси ва аккредитив ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш

Тўлов топшириқномалари: уларнинг камчиликлари ва афзалликлари. Ҳужжатлаштирилган аккредитив: моҳияти, ҳужжат айланиши, турлари -ўтказма, қайта тикланадиган, тасдиқланган ва тасдиқланмаган, муддати ўзгартирилган ва бошқалар. *Аккредитивнинг тўловчи ва олувчи учун: афзалликлари ва камчиликлари.* Ҳужжатлаштирилган аккредитивда векселдан фойдаланиш. *Ўзбекистонда аккредитив ҳисоб-китоб шаклидан фойдаланишда миждоз учун қулай ва ноқулай томонлари.*

Халқаро ҳисоб-китобларда банк чеклари ва инкассо ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш

Чеклар ва унинг турлари. Ўзбекистонда физик ва юридик шахслар томонидан халқаро ҳисоб-китобларда чеклардан фойдаланиш истиқболлари. Чекларнинг тўловчи ва олувчи учун: афзалликлари ва камчиликлари.

Инкассо моҳияти, аҳамияти ва унинг турлари. Соф инкассо ва ҳужжатли инкассо. Ҳужжатли инкассонинг тўловчи ва олувчи учун: афзалликлари ва камчиликлари. *Ўзбекистонда инкассо шаклидан кенг қамровли фойдаланиш муаммолари ва уни қўллашни ривожлантириш истиқболлари.*

Халқаро ҳисоб-китобларда кредит қуроли, хусусан вексел ва кредит карточкаларидан фойдаланишни ривожлантириш истиқболлари

Вексел пластик кредит карточкаларнинг моҳияти, аҳамияти ва уларнинг турлари. *Ўзбекистонда юридик ва жисмоний шахслар томонидан халқаро ҳисоб-китобларда вексел ва кредит карточкалардан кенг қамровли фойдаланиш муаммолари ва фойдаланишни қўллаш истиқболлари.* Вексел ва кредит карточкалардан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУСИ

Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Фаннинг предмети. Унинг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги. Фаннинг ўрганиш услублари ва аҳамияти.

Валюта операциялари ва уларнинг турлари

"Валюта операциялари"нинг асосий турлари. "Спот" ва "Муддатли" операциялар. Мукофот ва чегирмалар. Уларни ҳисоблаш тартиби. "Своп", "Аутрайт", "Фьючерс", "Форвард" ва "Опцион" билан операциялар*. Узун ва қисқа позициялар.

Марказий банкнинг валюта операциялари. Валюта операциялари ва валютавий чеклашлар. Валютавий чеклашлар, унинг моҳияти, турлари, сабаблари ва оқибатлари*. Валютавий арбитраж операциялари.

Муддатли валюта операциялари ва уларнинг турлари

"Муддатли валюта операциялари" тушунчасининг мазмуни. "Муддатли валюта операциялари" нинг асосий турлари, уларнинг юзага келиш сабаблари, мақсади. "Форвард", "Своп" операциялари ва "Опцион" билан операциялар. Валюта ва фоизлар билан "Своп" операциялари.

Тижорат банкларининг "Муддатли валюта операциялари" ни амалга ошириш зарурати. Марказий банкнинг "Голд Своп" ва "Своп" операциялари*. Ўзбекистонда "Муддатли валюта операциялари"ни амалга ошириш истиқболлари. Ситуацион масала ечиш.

Тижорат банкларининг валюта операциялари ва уларнинг банкбалансига таъсири

Тижорат банкларининг валюта операциялари:

- экспорт ва импортни кредитлаш билан боғлиқ валюта операциялари;
- халқаро форфейтинг ва факторинг операциялари;
- валюта қийматликлари билан амалга оширадиган операциялар. Тижорат банкларининг валюта операцияларига Марказий банк томонидан ўрнатилган нормативлар ва чекловлар: валюта позициялари*. Ситуацион масалалар ечиш.

Валюта хавф-хатарлари

"Валюта хавф-хатарлари" ва унинг асосий турлари: иқтисодий фаолият натижасида, битим тузишда ва ҳисоб қилишда юзага келган хавф-хатарлар.

"Валюта хавф-хатари"ни суғурталаш усуллари*. Валютавий келишувлар. "Валюта хавф-хатарлари" даражасини камайтириш билан боғлиқ валюта операциялар. "Хеджирлаш" тушунчаси. Тижорат банкларининг валюта операцияларини амалга оширганда "валюта хавф-хатарлари"ни ҳисобга олиш, уни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари. Иш уйини ва унинг муҳокамаси.

Валюта курси

"Валюта курси"нинг мазмуни ва аҳамияти. Бошқариладиган курслар. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар. Валюта курси ва уни катировкалаш. Валютанинг харид қобилияти паритети. Валюта курсига доир назариялар ва XX асрнинг йирик иқтисодчиларининг қарашлари. Фоизлардаги фарқларнинг валюта курсига таъсири. Ҳукуматнинг валюта курсига аралашуви ва валюта курси. Валюта курси ва макроиқтисодий барқарорлик*. Валюта курси ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари. Ситуацион масалалар ечиш.

Халқаро ҳисоб-китоблар

Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш асослари. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари ва унинг туркумлиниши. Ҳужжатлаштирилмайдиган.

тўловлар. Ҳужжатлаштириладиган тўловлар. СВИФТ тизими орқали халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш*. Иш уйини.

Халқаро ҳисоб-китобларда банк ўтказмаси ва аккредитив ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш

Тўлов топшириқномалари: уларнинг камчиликлари ва афзалликлари*. Ҳужжатлаштирилган аккредитив: моҳияти, ҳужжат айланиши, турлари - ўтказма, қайта тикланадиган, тасдиқланган ва тасдиқланмаган, муддати ўзгартирилган ва бошқалар. Аккредитивнинг тўловчи ва олувчи учун: афзалликлари ва камчиликлари. Ҳужжатлаштирилган аккредитивда векселдан фойдаланиш.

Халқаро ҳисоб-китобларда банк чеклари ва инкассо ҳисоб-китобшаклларида фойдаланиш

Чеклар ва унинг турлари. Ўзбекистонда физик ва юридик шахслар томонидан халқаро ҳисоб-китобларда чеклардан фойдаланиш истиқболлари*. Чекларнинг тўловчи ва олувчи учун: афзалликлари ва камчиликлари.

Инкассо моҳияти, аҳамияти ва унинг турлари. Соф инкассо ва ҳужжатли инкассо. Ҳужжатли инкассонинг тўловчи ва олувчи учун: афзалликлари ва камчиликлари. Ўзбекистонда инкассо шаклидан кенг қамровли фойдаланиш муаммолари ва уни қўллашни ривожлантириш истиқболлари.

Халқаро ҳисоб-китобларда кредит қуроллари, хусусан вексел ва кредит карточкаларидан фойдаланишни ривожлантириш истиқболлари

Вексел пластик кредит карточкаларнинг моҳияти, аҳамияти ва уларнинг турлари. Ўзбекистонда юридик ва жисмоний шахслар томонидан халқаро ҳисоб-китобларда вексел ва кредит карточкалардан кенг қамровли фойдаланиш муаммолари ва фойдаланишни қўллаш истиқболлари*. Вексел ва кредит карточкалардан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари. ситуацион масалалар ечиш.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ: ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Интернет сайтлари: www.bizbook.ru, www.chtivo.ru.

Аудио-видео жиҳозлар. - Мавзуга бағишланган видео кассеталар.

Кодоскоп орқали кўрсатиладиган слайдлар:

- Муддатли валюта операциялари ва уларнинг турлари мавзуси бўйича 2 та сайт;
- Валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар мавзуси бўйича 1 та слайд;
- Халқаро ҳисоб-китобларда банк ўтказмаси ва аккредитив ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш мавзуси бўйича 3 та сайт;
- Халқаро ҳисоб-китобларда банк чеклари ва инкасо ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш мавзуси бўйича 2 та сайт.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ) - 35%;
- оралиқ баҳолаш (ОБ) - 35%;
- якуний баҳолаш (ЯБ) - 30%.

ЖБ ва ОБ турлар ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБда тингловчи "ёзма иш" усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларига асосланган (ёзма иш) усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида" "ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича

Намунавий низом билан белгиланади. Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (қарздор) деб ҳисобланади.

Семестр давомида фан бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 - "аъло" - 130,7 - 152,0 балл;
- 71 - 85 - "яхши" - 107,9 - 129,2 балл;
- 55 - 70 - "қониқарли" - 83,6 - 106,4 балл.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонун. 1996.
2. Ўзбекистон Республикаси "Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни. 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида валютани мувофиқлаштириш тўғрисида"ги Қонуни. 1993.
4. "Валютани мувофиқлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар" 2-нашр 1998.
5. Ўзбекистон республикаси президентининг фармонлари 1995 й 5 январдан 2001 йил 1 январгача. - Т.: Адолат, 2000.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. Балабанов И.Т. Валютный рынок и валютные операции в России. - М., 1997.
9. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. пособие для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Товашева. - М.: Юнити-Дана, 2001.
10. Банки и банковское дело / Под ред. И.Т. Балабанова - С-Пб.: Питер, 2001.
11. Братко А.Г. Банковское право: Теория и практика -М.: ПРИОР, 2000.
12. Вахобов А.В., Жумаев Н.Х., Бурханов У.А. Халқаро валюта муносабатлари. - Т.: Дўстлик, Шарқ, 2003.
13. Денежно-кредитное регулирование: опыт развивающихся стран. - М., 1997.
14. Джарбеков С.М. Посреднические операции. - М., 1997.
15. Деньги, кредит, Банки. Ценные бумаги. Практикум: Учеб. пособие для вузов - Под ред. Е.Ф. Жукова. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
16. Иванов Д.Л. Валюта, валюта, валюта. -М., 1998.
17. Иванов В.В. Валютный курс. -М.: ИНФРА-М, 2001.
18. Иминов О.К. Кредитный механизм современных условиях. Монография. - Т.: ТГЭУ, 2000.
19. Иқтисодий йўналишлар чораклик нашр. Ўзбекистон. Апрель-июнь. 2001 йил.
20. Казимогомедов А.А., Илясов С.М. Организация денежно-кредитного регулирования. - М.: Финансы и статистика, 2001.
21. Кочегарова И.В. Операции с наличной валютой коммерческих банков. - М.: ФиС, 2001.
22. Красавина Л.Н.Международные расчетные отношения. - М.: ФиС, 1998.
23. Красавина Л.Н.Международные валютные кредитные и финансовые отношения. - М.: ФиС, 2001.
24. Кассель М.А. Международные финансовые отношения. - М.:, ФиС, 2001.
25. Мэнвилл И., Хэррис. Международные финансы. - М.: ИНФРА-М, 2000.
26. Павлов С. Валютный рынок. - М.: ФиС, 2001.
27. Рубцов В.Б. Зарубежные фондовые рынки. - М.: ФиС, 2000.

28. Савчук В.П. Примекко С.И. Величко Е.Г. Анализ, разборка инвестиционных проектов: Учеб. пос. -Киев: Эльга, 1999.
29. Стоянова Е.С. и др. Управление оборотным капиталом. - М.: ВО Перспектива, 1998.
30. Унифицированные правила по аккредитиву. 1999.
31. Унифицированные правила по инкассо. 2000.
32. Федоров Б. Международные финансовые валютные кредитные рынки. М. 1996.
33. Шери де Ковин. Стратегия хеджирования. -М., 1998.
34. Шеремет А.Д. Финансовы анализ в коммерческом банке. - М.: Финансы и статистика, 2000.
35. Интернет сайтлари:

- www.banking.com/aba - Америка банклари ассоциацияси.
- www.state.ct.us/dob - коннектикут банклари ва кредит бирлашмалари, кредит муассасалари ва кўриқлаш саноатини бошқаради.
- www.arraydev.com/commerce/JIBC - интернет банкинг ва коммерция журнали.
- www.bankingtech.com - банк технологиялари.

Қўшимча адабиётлар

1. Каримов Ф. Валютные операции коммерческих банков. - Т.: 1998.
2. Кэмпбелл, Маконелл, Стенли, Л.Брю. Экономикс, - М., 1997.
3. Редход К., Хьюс С. Управление финансовыми рынками. - М. 1998.
4. Рид Э., Костер. Коммерческие банки. -М. 1997.
5. Спицин И. Маркетинг в банке. - М., 1997.
6. Фаминский И.П. Основы внешнеэкономических знаний. - М., 1997.
7. "Мировая экономика" журналининг 2001-2003 йиллардаги сонлари.
8. "Бозор, пул ва кредит" журналининг 2001-2003 йиллардаги сонлари.
9. "Экономический вестник Узбекистана" журналининг 2001-2003 йиллардаги сонлари.
10. "Банк ахборотномаси" газетасининг 2002-2003 йиллардаги сонлари.